

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДОГОГИКА
ИНСТИТУТИ
СПОРТ ВА ЧАҚИРИКҚАЧА ҲАРБИЙ
ТАЪЛИМ ФАКУЛТЕТИ

“ҲАРБИЙ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ”
ФАНИДАН

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

1-Мавзу «Ҳарбий қонунчилик асослари фанини ўрганиш предмети. Ҳуқуқ ва унинг Қуролли Кучлардаги ўрни».

1. Ҳарбий қонунчилик асослари фанининг ўрганиш предмети.
2. Ҳуқуқнинг моҳияти ва белгилари.
3. Ҳуқуқ ва унинг Қуролли Кучлардаги ўрни.

Ҳарбий қонунчилик асослари фанининг ўрганиш предмети

Ҳарбий қонунчилик асослари фанининг асосий мақсади ва вазифаси «Чақириққача ёшлар тайёргарлиги ва бўйича таълим олаётган талабаларни Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий қонунчилиги, Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларининг мазмуни, ҳарбий қурилиш масалалари, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жиноий, маъмурий ва моддий жавобгарликлари, шунингдек ҳарбий хизматчилар учун Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйилган имтиёзлар тартиби билан танишириш ва ҳар томонлама чукур ҳуқуқий билимларга эга бўлган ЧЁТ раъбарларини тайёрлашдир.

Бакалаврнинг билим, кўникма ва ўқувига қўйиладиган талаблар:

Бакалавр қўйидагиларни билиши шарт:

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий мазмуни;
- «Умуммажбурий хизмат ва ҳарбий хизмат тўърисида», «Муқобил хизмат тўърисида», «Мудофаа тўърисида», Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси, «Офицерларни ҳарбий хизматни ўташ тартиблари» низоми мазмунини;
- Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва бурчларини;
- Ҳарбий хизматчиларни Низом қоидаларини бузганлиги учун жавобгарликларини;
- Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган ҳарбий хизматчилар учун имтиёзларни.

Қўйидагиларни баҗара олиши керак:

- Ўзининг ҳуқуқий билимларини кундалик ъаётда ва хизматда қўллай олиши;
- Шахсий таркиб ва ўқувчилар билан ҳуқуқий билимлар бўйича машъулотларни ташкиллай ва ўтказа олиши;
- Шахсий таркиб ва ўқувчиларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига хурмат ъиссини шакллантира олишни;
- Ўқувчиларни ўз Ватанларига садоқат руъида тарбиялашни.
- Ҳарбий қонунчилик асослари бошқа ҳарбий ижтимоий фанлар билан узвий алоқада ўқитилади.

Улар таркибига Умумҳарбий Низомлар, ҳарбий тарих, тарбиявий ишлар услубиёти ва ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси асослари киради.

Ҳуқуқнинг моҳияти ва белгилари.

Давлат ва хуқуқ синфий жамият пайдо бўлишининг маъсулидир. Давлат бу аввало хукмрон синфнинг ташкилотидир.

Эслаб қолинг

Давлатнинг ибтидоий урульчилик жамиятидан ажралиб турадиган белгилари қуидагилардир:

1. Давлат пайдо бўлган жамиятда фуқаролар маълум бир худудга бирлашадилар.
2. Хукмрон синфнинг қуроли сифатида давлат ўз сиёсатини ўтказиш учун бошқарув аппаратига эга бўлади (қўшин, полиция, суд, прокуратура ва бошқалар).
3. Давлат эрки ёзма равишда ифодаланадиган қоидалар пайдо бўлади.
4. Бошқарув аппаратини тутиб туриш учун керакли харажатлар халқдан солиқлар шаклида ундириб олинади.

Шундай экан, хуқуқ ҳам давлат пайдо бўлиши билан бирга вужудга келган, яъни давлат томонидан ўрнатилган қонун-қоидалар хуқуқни вужудга келтирган. Жамиятда давлат пайдо бўлгунича ҳам, кишилар маълум қоидаларга амал қилганлар. Булар урф-одатлар, анъаналар, хулқ, одоб ва ахлоқ қоидалари. Бу қоидалар маънавий, яъни ахлоқий қоидалардир. Давлат пайдо бўлиши билан, хукмрон синфнинг эркини ифода этувчи хуқуқ қоидалари ҳам вужудга келди. Демак, хуқуқ қоидалари давлат томонидан ўрнатилган яшаш қоидаларининг йиъиндисидир. Лекин, хуқуқ қоидалари пайдо бўлиши билан ахлоқ қоидалари йўқолиб кетмайди. Улар биргаликда ривожланиб боради. Ҳар бир тузумнинг ўз хуқуқий ва ахлоқий қоидалари бўлади.

Хуқуқ билан ахлоқнинг фарқи нимада?

- биринчидан, ахлоқ қоидалари кишиларнинг онгида пайдо бўлади, хуқуқ қоидалари эса, давлат томонидан ўрнатилади.
- иккинчидан, ахлоқ қоидалари ёзиб қўйилмайди, хуқуқ қоидалари ёзиб қўйилади.
- учинчидан, ахлоқ қоидалари жамоат таъсир кучи билан ъимоя қилинади, хуқуқ эса давлат томонидан ўрнатилади.
- тўртинчидан, ахлоқ бузилса, уни бузган шахсга нисбатан жамоат чоралари қўлланилади, хуқуқ қоидалари бузилса давлатнинг мажбуrlаш чоралари қўрилади.
- Ахлоқ бузганлик учун жавобгарлик маънавий хусусиятга эга, хуқуқ бузганлик учун эса, жавобгарлик юридик, маъмурий, интизомий, моддий ва жиноий характерда бўлади.

Ахлоқ ижтимоий муносабатларни, кишиларнинг жамиятдаги, оиладаги, турмушдаги муносабатларини бошқариб туради, хуқуқ эса, кишиларни давлат органлари билан муносабатларини, жамиятда юриш-туриш қоидаларини белгилаб беради ва бошқариб туради.

Хуқуқ манбалари.

Хуқуқ манбалари бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Олий мажлиснинг қонун ва қарорлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маъкамасининг қарорлари, Давлат қўмиталари ва Вазирликларининг қарор ва фармойишлари, Қуролли Кучларда эса, шунингдек, ҳарбий низомлар, командир ва бошлиқларнинг буйруқлари ъисобланади.

Конституция – давлатнинг асосий қонунидир.

Ҳар бир давлат ўзининг қонунлари билан, унда ўрнатилган хуқуқ, эркинлик, бурчлар орқали жаъон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлади. У ёки бу давлат тузумини, унинг бошқарилишини ҳам қонун белгилайди. Қонунларнинг етакчиси, энг асосийси - бу, Конституциядир.

Асосий қонунда мамлакат фуқароларининг хуқуқ ва бурчлари, давлат органларининг ваколатлари, давлатни бошқариш тизими ва бошқалар белгилаб қўйилган.

Давлат хокимияти органлари.

Маълумки, давлат ишлари режали, пухта ўрнатилган тизимда олиб борилади. Демак, давлат органлари орқали бу ишларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасидаги давлат хокимиятининг тизими қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд хокимиятига бўлинади.

1. Қонун чиқарувчи хокимият- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, вилоят, туман, шаҳар Халқ депутатлари Кенгаши.
2. Ижро этувчи хокимият органлари-Президент, Вазирлар Маъкамаси, хокимликлар, давлат қўмиталари, идора ва ташкилотлари.
3. Судлов хокимияти органлари-Конституциявий суд, умумий судлар, хўжалик судлари ва ҳарбий судлар.

Прокуратура органлари.

Прокуратура - қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан назорат қиласидиган давлат органидир. Ўзбекистон Республикаси Прокуратура органлари, мамлакатимиз худудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширади. Прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил равища, фақат қонунга бўйсуниб бажаради.

Прокуратура органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиши тартиби 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Прокуратура тўърисида»ги Қонуни билан белгиланган. Бу қонунга асосан, прокуратура органлари фаолияти, фуқароларнинг ижтимоий ва сиёсий шахсий хукуқлари ва эркинликларини муъофаза қилиш деб белгиланган. Прокуратура органлари фаолияти Ўзбекистон Президенти ва Олий Мажлиси назоратида бўлади.

Прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимига Ўзбекистон Республикасининг Бош Прокурори бошчилик қиласиди.

Прокуратура органлари:

- Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси;
- Вилоятлар прокуратураси;
- Шаҳар ва туманлар прокуратураси;
- Транспорт прокуратураси;
- Ҳарбий прокуратура;
- Табиатни муроффаза қилиш прокуратураси ва бошқалар.

Ўзбекистон Қуролли Кучларида қонунчиликни назорат қилиш ва амалга ошириш Ҳарбий суд (трибунал) ва Ҳарбий прокуратура органлари зиммасига юклатилган. Уларнинг энг асосий вазифалари, Қуролли Кучларда давлат қонунларини тартибли равишда ишлиши, Президент, хукумат ва Мудофаа Вазирлигининг қарор ва фармонларини ижро этилиши, ҳарбий қисм ва бўлинмаларда жиноятчиликни олдини олиш ва уларга қарши курашиш, ҳарбий хизматчиларни хуқуқий билимлар билан қуроллантириш ва уларни хуқуқий маданият эгаси сифатида тарбиялашдан иборатdir.

Қуролли Кучларда ҳарбий интизомни мустаъкамлаш, низомий тартибни саклаш, шахсий таркиб сергаклигини ошириш борасида мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда.

Бу ишлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 1992 йил 23- сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, чегара ва ички қўшинларда ҳарбий интизомни мустаъкамлаш ва тарбиявий ишларни такомиллаштириш» номли қарори, шунингдек, Мудофаа Вазирининг буйруқ ва кўрсатмалари асосида олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тузилган биринчи кунлардан бошлаб қўшинларда хуқуқ-тартибот ва ҳарбий интизомни мустаъкамлаш, шахсий таркибни низом қоидаларига қатъий риоя қилиш руъида тарбиялаш, командир ва бошлиқларнинг энг муъим вазифаларидан бири бўлиб келмоқда. Бу табиийдир, чунки хуқуқ-тартибот ва ҳарбий интизомни юксаклиги, ҳарбий хизматчиларнинг уюшқоқлиги қўшинларда ҳамма вақт ҳам Қуролли Кучлар жанговар шайлигининг ташкил қилувчи асосий омиллардан бири деб ъисобланиб келинган ва ъозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда.

Ўзбек халқининг азалий орзузи-интилишларидан энг асосийси мустақил, демократик адолатли давлат барпо этиш эди. Халқнинг бу орзу-армонлари унинг кўп асрлик маданий меросида яққол акс этган. Ўзбек халқи тарихи- бу мустақиллик учун кураш тарихидир. Мустақиллик учун кураш тарихи - демократия учун кураш тарихи ҳамдир. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунлардан халқнинг асрий орзуларини амалга оширишга киришди. Адолатли, демократик хуқуқий давлат қуришни ўзининг энг бирламчи ва муъим вазифаларидан бири сифатида белгилади. Бу борада ўтган дастлабки йиллар мобайнида маълум ютуқлар ва тажрибалар қўлга киритилди. Ъозирги куннинг асосий вазифаларидан бири, мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқ ва тажрибаларни чуқур таълил қилиш, йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиш, муваффақиятларни мустаъкамлаш ва такомиллаштиришдан иборатdir. Демократик хуқуқий давлат қуришдан мақсад ҳалқ хокимиётчилигига равнақ баяишлади.

Ўзбекистон Республикасида демократик адолатли хуқуқий давлат қуришда улувъ соъибқирон Амир Темур таъкидлаганларидек, «Миллатни улувъ

мартабасини, саодатини сақламоқ, миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифамиздир».

Ўқув саволлари.

1. Ҳарбий қонунчилик асослари фани нималарни ўрганади?
2. ЧЁТ фанини ўқитишида хуқуқий билимлар қандай аҳамиятга эга?
3. Давлат ва Қуролли Кучларда хуқуқ-тартиботни мустаъкамлашда қонун ва Низомларнинг роли.
4. «Хуқуқ» деб нимага айтилади.
5. «Хуқуқий билимлар» деганда нимани тушунасиз?
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси қачон қабул қилинган?
7. Жиноят кодекси қандай бўлимлардан ташкил топган?
8. Қуролли Кучларда хуқуқ-тартиботни қандай органлар назорат қилади?
9. Ҳарбий интизомни қўшинлар ъаётидаги аҳамиятини ъақида сўзлаб беринг.
- 10.Хуқуқ-тартиботни мустаъкамлашда командир ва бошлиқларнинг вазифалари нималардан иборат?

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси «Ватанпарвар» газетаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси.
3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлигининг буйруқ ва директивалари.

2-Мавзу «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ватан ъимояси тўърисида. Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўташ тартиблари».

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ватан ъимояси тўърисида.
2. Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўташ тартиблари.
3. Ҳарбий хизматда бўлишнинг ёш чегаралари.

Таянч иборалар

Умуммажбурий ҳарбий хизмат ва ҳарбий хизмат,ватан ъимояси, конституцион бурч, шартнома асосидаги ҳарбий хизмат, офицерлик лавозимидағи ҳарбий хизмат, заъирадаги хизмат, Ҳарбий хизматга мажбур шахслар, ҳарбий хизматга мажбур бўлмаган шахслар, курсантлар хизмати, ҳарбий хизмат муддатлари.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ватан ъимояси тўърисида.

Бугун Ўзбекистон ўалқи улувъ аждодларининг анъаналарини, урфодатларини давом эттириб, тақдирини ўз қўлига олиб, қаддини ростлаб, эльюртимиизда осойишталик, барқарорликни, миллатлараро аъиллик ва фуқаролар

тотувлигини авайлаб-асраб, янги тарихий шароитда келажагини қурмоқда, миллий давлатчилигини тикламоқда.

Ўзбек миллати азалдан ўз фикри, ўз истиқоли учун курашиб яшаган. Бунга мозий гувоъ. Миллатимиз тарихи хақидаги хақиқат юртимизнинг фидойи, ўз йўлидан, маслагидан, сўзидан қайтмайдиган фарзандларига очилиши лозим. Билишимиз шарт булган тарих саъифаларини қунт билан варақлаш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарзdir.

Шарқни Ьарб билан боълаган буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган Турон-Мовароуннаър заминида қадимда ўзга мамлакатлар вакиллари нафақат тижорат билан шуъулланар, балки илм-маърифат, маданият дурдоналари ва давлатчилик асослари билан ҳам танишар эди.

Буюк бобомиз соъбиқирон Амир Темур барпо этган, илм-фан, маърифат борасида ўрта асрлардагидек дунёга танилган бир давлат, катта бир миллат ъоят чиройли сўзлар билан ниқобланган қўп йиллик мустамлакачилик асоратидан озод бўлганини бугун ъис этмоқда.

Сир эмас, ҳар қандай жамият келажакни кўзлаб яшайди ва унинг пойдеворини имкон қадар мустаъкамроқ қуришга ҳаракат қиласди. Шу нуқтаи-назардан қараганда, давлатимиз, жамиятимиз эришган буюк ютуклардан бири – бу Ўзбекистон Қуролли Кучларини ташкил топиши бўлди.

1992 йил 14 январдан Ўзбекистон Қуролли Кучлари ўзининг янги тарихини бошлади ва бу кун Президентимиз, хукуматимиз қарори билан Ватан химоячилари куни деб эълон килинди ва мана бир неча йиллардан буен 14 январ кунини халқимиз, катта шодиёна тантаналар билан ўтказмокда. Бу албатта, Президентимизнинг, хукуматимизнинг ва ъалқимизнинг ўз химоячиларига бўлган хурмат эътибори, ишонч ва садоқатидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ мамлакатни мудофаа қилиш давлатнинг энг муъим вазифаларидан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси худудида истиқомат қилувчи барча фуқароларнинг вазифасидир. Ўзбекистон Республикасини ташқаридан бўладиган қуролли тажовуздан ъимоя қилиш- Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Конституциявий бурчидир.

Бу муқаддас ва шарафли бурч Конституциямизнинг 52-моддасида ўз аксини топган.

«Мардлар қўриқлайди Ватани» деган ибора бор. Агар бу сўзларни кенг мазмунда ёритса, Ватан тинчлиги миллатни хақиқий жонкуярляри, эр-йигитлари, «элим деб, юртим деб», ёниб яшаётган фидойи, ўълонлари қўлидадир, бу минг йиллик тарих давомида ўз исботини топган оддий хақиқатдир. Биз Ватан химоясини муқаддас бурч деб, унинг Қуролли Кучларида ҳарбий хизмат қилишни ўзимиз учун шараф ва халқимиз, Президентимиз томонидан бизга билдирилган ишонч деб қарашимиз керак.

Ўзбекистон Қуролли Кучларида ҳарбий хизматни ўташ тартиблари.

Ўзбекистон Республикасининг

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўърисида»ги Қонуни

1- модда. Ушбу Қонуннинг мақсади.

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг умумий ҳарбий мажбуриятни бажариши ва ҳарбий хизматни ўташи билан боълик муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўърисидаги қонун ъужжатлари.

Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўърисидаги қонун ъужжатлари ушбу Қонундан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асослананадиган бошқа қонун ъужжатларидан иборат.

3-модда. Умумий мажбурият.

Умумий ҳарбий мажбурият фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасини ъимоя қилишга мажбурий ҳарбий тайёргарлигидан иборат бўлади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари (бундан буён матнда Қуролли Кучлар деб юритилади) сафини тўлдиришни ва уларнинг резервини тайёрлашни тарминлаш мақсадида жорий этилади.

Умумий ҳарбий мажбурият фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлашни, ҳарбий хизматга чақиришни (киришни), чақирув ёки контракт бўйича ҳарбий хизмат ўташни, резервдаги хизматни, муқобил хизматни, ҳарбий рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя этишни, фавқулодда вазиятларда ёки Ўзбекистон республикасига қарши ҳарбий тажовуз бўлган тақдирда аъолини муъофаза этиш тадбир-чораларини қамраб олади.

Ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг қуидаги фуқаролари, хусусан:

Ҳарбий хизматга чақириладтиган ва туман (шахар) чақирув участкаларида қайд этилган шахслар-чақирилувчилар;

Ҷақиқий ҳарбий хизматдагт шахслар-ҳарбий хизматчилар;

Қуролли Кучларларнинг резерви ёки захирасидаги шахслар-ҳарбий хизматга мажбурлар;

Турли сабабларга кўра ҳарбий рўйхатга олинмаган ёки ҳарбий рўйхатдан чиқарилган, шу жумладан исътефодаги шахслар-ҳарбий хизматга мажбур бўлмаган шахслар деб аталади.

Ҷақиқий ҳарбий хизмат чақирув ёки контракт бўйича оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларида Қуролли Кучлар сафидаги ҳарбий хизматдир.

Умумий ҳарбий мажбурият Ўзбекистон Республикаси ъудудида доимий ёки вақтинча яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тадбиқ этилмайди.

4-модда. Ҳарбий хизмат турлари.

Ҳарбий хизмат Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Қуролли Кучлар сафига умумий ҳарбий мажбуриятни бажариш борасидаги давлат хизматининг алоъида туридир.

Эслаб қолинг

Ҳарбий хизматнинг қуидаги турлари жорий этилади;

Муддатли ҳарбий хизмат;

Сафарбарлик чақирув резервидаги ҳарбий хизмат;

Контракт бўйича ҳарбий хизмат;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати.

Тинчлик даврида аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида муддатли ҳарбий хизматга, шунингдек сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, саломатлигига кўра Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизматни ўташга яроқли эркак фуқаролар чақириладилар.

5-модда. Муддатли ҳарбий хизмат.

Муддатли ҳарбий хизмат чақирилиш ёшидаги фуқароларнинг оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида, шунингдек муққадам ҳарбий хизматни ўтамагн офицерларнинг қонун ъужжатларида белгиланган муддат мобайнида Қуролли Кучлар сафидаги мажбурий хизматидир.

Муддатли ҳарбий хизматни оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида ўтаётган ҳарбий хизматчилар учун – ўн икки ой (олий марлумотли шахслар учун – тўққиз ой);

Муддатли ҳарбий хизматни ўташ тартиби қонун хужжатлари билан белгиланади.

6-модда. Сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташ яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктриш ва чақирилишдан озод этилиш ҳукуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар сафарбарлик чақируви резерви сафига олинадилар.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат ъудудий принцип асосида ойлик йиъинлар тарзида ташкил этилади ҳамда чақирилувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг маҳсус ъисоблариға пул бадаллари киритилишини назарда тутади.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига шахслар йигирма етти ёшга тўлгунга қадар олинадилар ва ҳар илги ҳарбий йиъинларга жалб этилишлари мумкин, фавқулодда вазиятлар ёки Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз рўй берган тақдирда эса ъақиқий ҳарбий хизматга чақириладилар.

Сафарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаган фуқаролар йигирма етти ёшга тўлганларидан кейин Қуролли Кучлар резерв таркибиға ўтказиладилар.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафиға олинган шахслар тўлайдиган пул бадаллари миқдори ва уларни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси томоиндан тасдиқланадиган алоъида низом билан белгиланади. Бу маблаълар муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг пул ва моддий тарминотини ошириш, шунингдек сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафиға олинган шахсларнинг ҳарбий йитинларини ўтказишга аниқ мақсадга йўналитирлган бўлади.

Сафарбарлик чақирувчи резервидаги хизматни ташкил этиш ва ўташ тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўрисидаги низом билан белгиланади.

7-модда. Контракт бўйича ҳарбий хизмат.

Контракт бўйича ҳарбий хизмат Қуролли Кучлар сафидаги хақиқий ҳарбий хизматга ихтиёрийлик асосида, ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар орқали давлат билан тузиладиган контирактга биноан кирган фуқаролар бажарадиган ҳарбий хизмат туридир.

Ҳарбий хизматни касб тариқасида танлаган фуқароллар контракт бўйича ҳарбий хизматни оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар ва таркиби лавозимларида ўтайдилар.

Ҳарбий хизматни ўташ муддатлари ва асосий шартлари контирактда белгиланади. Айни пайтда дастлабки контиракт хизматни оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида ўташ бўйича уч йил, офицерлар таркиби лавозимларида ўташ бўйича беш йил муддатга тузилади.

Олий ҳарбий тарлим муассасаларининг курсатлари билан ўқиш даври учун кешгусида уларниншг офиьерлар таркиби лавозимларида ҳарбий хизматни камида беш йил мажбурий ўташ шарти билан контиракт тузилади.

Ҳарбий хизматнинг контирактда назарда тутилган муддати тугаганидан кейин тарафларининг келишуви билан бу муддат янги контиракт тузиш орқали узайтирилиши мумкин. Контракт бўйича ҳарбий хизматни ўташ тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўрисидаги низом билан белгиланади.

8-модда. Қуролли Кучлар сафидаги ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати

Резервчилар хизмати хақиқий хизматни, шунингдек сафарбарлик чақирувчи резервидаги хизматини ўтаган оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар жумласидан бўлган ҳарбий хизматга мажбурлар учун Қуролли Кучларнинг қўшилмалари, қисмлари ва бўлинмалари сафини уруш даврида тақозо этадиган тузилмаларни кучайтириш мақсадида умумий ҳарбий мажурият асосида жорий этиладиган ҳарбий хизмат туридир.

Резервчилар сифатида хизматни таётган ҳарбий хизматга мажбурлар тинчлик даврида, қоида тариқасида, қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини сақлаб туриш, резервчиларнинг ҳарбий хисобдаги

ихтисослик бўйича мажбурятларни тинчлик ва уруш даврида бажариши учун зарур бўлган қўнималарини сақлаб қолиш ва такомиллаштириш мақсадида харбий қисмлар базасида худудий принцип асосида ташкил этиладиган харнбий тайёргарлик бўйича харбий йиъинларни ўташга жалб этишлари мумкин.

Харбий йиъинларни ўташ муддатлари ушбу Конуннинг 32-моддасида белгиланади.

Резервчиладан уруш даврида хам, тинчлик даврида хам Ўзбекистон Республикасига қарши харбий тажовуз таҳдида мамлакат хавфсизлигига таҳдид туғилганида, табиий оғатлар хам фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига биноан қўшилмалар ва қисмлар таркибида жанговар мақсадлар бўйича фойдаланилиши мумкин.

Куролли Кучлар резервчиларининг хизматни ўташ тартиби қонун хужжатлари билан белгиланади.

9-модда. Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурлар таркиби. Ҳарбий унвонлар

Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурлар оддий аскарлар сержантлар ва офицерлар таркибига бўлинади.

Офицерлар таркиби кичик офицерлар, катта офицерлар ва генераллар таркибига бўлинади.

Ҳар бир ҳарбий хизматчи ва ҳарбий хизматга мажбурга тегишли ҳарбий унвон берилади. Куролли Кучлардаги ҳарбий унвонлар қўшин унвонлари ва кема таркибидаги унвонларга бўлинади.

Куролли Кучларда қўйдаги ҳарбий унвонлар жорий этилади:

Қўшин унвонлари	Кема таркибидаги унвонлар
I. Оддий аскарлар таркиби	
Оддий аскар	Матрос
II. Сержантлар таркиби	
Кичик сержант	2-даражадаги старшина
Сержант	1-даражадаги старшина
Катта сержант	бош старшина
III. Офицерлар таркиби	
Кичик офицерлар таркиби	
Лейтенант	Лейтенант
Катта лейтенант	Катта лейтенант
Капитан	Капитан лейтенант
Генераллар таркиби	
Генерал- майор	
Генарап-лейтенант	
Генарап-полковник	
Армия генерали	

Қуролли Кучлардаги олий унвон армия генерали бўлиб, бу унвон (уруш даврида) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондонига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирига берилади.

Юридик ёки тиббий йўналишдаги ҳарбий ъисобдаги ихтисосликка эга бўлган ҳарбий хизматчи ва ҳарбий мажбурият ҳарбий унвонига тегишинча «адлия» ёки «тиббий хизмат» сўзлари қўшилади.

Резервдаги, захирадаги ёки истерфодаги фуқароларнинг ҳарбий унвонига тегишинча «резервдаги», «заъирадаги» ёки «истерфодаги» деган сўзлар қўшилади.

Ҳарбий унвон ва ҳарбий унвондан маърум қилиш, шунингдек ҳарбий унвонини пасайтириш ҳамда ҳарбий унвонини тиклаш қонун ўзжатларига мувофиқ оширилади.

Офицерлар таркибига кириувчиларни ҳарбий унвондан улар ойир ва ўта ойир жиноят учун ъукм этилганларида фақат суднинг қарори билан маърум қилиш мумкин.

10-модда. Ҳарбий лавозимлар

Ҳарбий лавозимлар (ҳарбий хизматчилар эгаллаши лозим бўлган штат лавозимлари) ва уларга мувофиқ келадиган ҳарбий унвонлар ҳарбий қисмларнинг, ҳарбий хизмат назарда тутилган бошқарув органларининг, вазирликлар, давлат қомиталари ва идоралар муассасаларининг штатларида назарда тутилади.

Ҳарбий лавозимлар оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларига бўлинади.

Қуролли Кучларда олий қўмондонлик лавозимларига тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан амалга оширилади.

Ҳарбий хизматчиларни лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш, шунингдек ҳарбий хизматчиларнинг хизмат жойини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий химатни ўташ тартиби тўйрисидаги низом билан белгиланади.

Ҳарбий хизматчилар қонун хужжатларида белгиланган Тартибда ҳарбий хизматда қолдирилган ҳамда ҳарбий хизматчилар учун белгиланган кафолат ва имтиёzlари сакланган холда давлат-хуқуқ ҳамда мудофаа йўналишидаги ишларни бажариш учун давлат хокимияти ва бошқарув органларига юборилиши мумкин.

11-модда. Ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий кийим-кечак ва фарқловчи нишонлари

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий кийим-кечак ва фарқловчи нишонлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ҳарбий хизматчилар, шунингдек ҳарбий йиъинларга жалб этилган ҳарбий хизматга мажбурлар ҳарбий унвонни ва қўшин турини фарқловчи нишонлари бўлган ҳарбий кийим-кечакда юрадилар.

Ҳарбий-кийим-кечакда юриш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белниланади.

Ҳарбий кийимда юриш ҳуқуқига эга бўлмаган фуқароларнинг ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий-кийим-кечагини кийиб ва фарқловчи нишонларини тақиб юриши тақиқланади.

22-модда. Муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақириуви резервидаги хизматга чақирилишдан озод этиши.

Тинчлик даврида муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақириуви резервидаги хизматга чақирилишдан қуидагилар озод этиладилар:

1) саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган чақирлувчилар;

2) яқин қариндошларидан бири (ака-укаси, опа-синглиси) ҳарбий хизматни ўташ вақтида ъалок бўлган ёки вафот этган чақирилувчилар;

3). Рўйхатдан ўтган диний ташкилотлардан бирида диний рутба эгаси бўлган чақирилувчилар.

Ушбу модданинг 2-бандида кўрсатилган шахслар ўз розиликлари билан ҳарбий хизматга чақирилишлари мумкин.

Жиноий жавобгарликка тортилган, шунингдек судланганлик ъолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар ҳарбий хизматга чақирилмайдилар.

Фуқаролар мудофаа ишлари органлари томонидан белгиланган муддатларда чақириув учатскаларида ўзир бўлмаган қўйидагилар узрли сабабли ўисобланади:

Фуқаронинг чақириув участкасига келишган имконбермаган касаллиги;

Яқин қариндршининг (отаси, онаси, ака-укаси, опа-синглиси, хотини- боласи) вафот этганлиги ёки ойир касаллги;

Фуқарога боълик бўлмаган ъолда, унинг чақириув участкасига келишига имкон бермаган табиий оғат ёки бошқа ъолатлар.

Ўзир бўлмаганлик сабаблари тегишли хужжатлар билан тасдиқланиши лозим.

Тинчлик даврида қуидагилар муддатли ҳарбий хизматга чақирилмайди; ушбу Қонуннинг 21 ва 22-моддаларига мувофиқ чақирилиш муддати кечиктирилган ва чақирилишдан озод этилган шахслар;

иши юзасидан суриштирув ёки дастлабки тергов олиб борилаётган ёки жиноят иши судда кўрилаётган шахслар.

23-модда. Захирадаги офицерларнинг ҳарбий хизматга чақирилиши.

Қирқ ёшгача бўлган, муддатли ҳарбий хизматни, сафарбарлик чақириуви резервидаги хизматни ёки контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтамаган ва уўбу Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ чақирилиш муддатини кечиктиришасосларига эга бўлмаган офицерлар тинчлик даврида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирининг буйруига биноан офицерлар таркиби лавозимларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун чақирилишлари мумкин.

24-модда. Контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш.

Ҳарбий хизмат талабларига жавоб берувчи қуидаги фуқаролар ихтиёрий равишда (контракт бўйича):

Ўттиз ёшгача бўлган, ҳарбий ъисобдаги ихтисослик бўйича тегишли касбий тайёргарлик кўрмаган ҳарбий хизматга мажбурлар ва аёллар –оддий аскарлар тариби лавозимларига ҳарбий хизматга;

Муққадам контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаган оддий аскарлар ва сержантлар таркибидаги қириқ ёшгача бўлган ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек муддатли ҳарбий хизматни ёки сафарбарлик чақируви резервидаги ъизматни ўтаган ва ҳарбий ъисобдаги ихтисослик бўйича тегишли касбий тайёргарликка эга ўттиз ёшгача бўлган ҳарбий хизматга мажбурлар – оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларига ҳарбий хизматга;

Ўттиз ёшгача бўлган ҳарбий хизматга мажбур аёллар –оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларига ҳарбий хизматга;

Ўн етти ёшдан йигирма бир ёшгача бўлган фуқаролар, шу жумладан ўқишига қабул қилинган йили ўн етти ёшга тўладиган фуқаролар, шунингдек ҳарбий тарлим муассасаларида ўқиши истагини билдирган, офицерлар таркиби ҳарбий унвонларига эга бўлмаган, ўн саккиз ёшдан йигирмабеш ёшгача бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурулар- ҳарбий-тарлим муассасаларининг курсантлари тариқасида ҳарбий хизматга;

Қириқ ёшгача бўлган резервдаги ва захирадаги офицерлар –офицерлар таркиби лавозимларига ҳарбий хизматга кирадилар.

Контракт бўйича ҳарбий хизматга кираётган фуқаролар мажбурийтиббий кўрикдан ўтадилар.

Фуқаролар ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирлик, давлат қўмитаси ва идора билан ҳарбий хизматни ўташ тўърисида контракт тузадалира.

Контрактлар тузиш, шу жумладан олий ҳарбий-тарлим муассасаларининг курсантлари билан контрактлар тузиш, шунингдек контракт бўйича ҳарбий хизматни ўташ тартиби Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўърисидаги низом билан белгиланади.

26-модда. Ҳарбий хизматни ўташ тартиби. Ҳарбий хизматда бўлиш ёшининг чегараси

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби ушбу Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўърисидаги низом билан белгиланади.

Ҳарбий-хизматда бўлиш ёшининг чегараси:

Контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган оддий аскарлар (матрослар), сержантлар (старшиналар) учун –қирқ беш ёш;

Кичик офицерлар учун –қирқ уч ёш;

Катта офицерлар учун –қирқ беш ёш, полковниклар (I даражадаги капитанлар) учун-эллик ёш;

Генерал-майор, генерал-лейтенант ҳарбий унвонидаги офицерлар учун – эллик беш ёш, генерал-полковник ҳарбий унвонидаги офицерлар учун-олтмиш ёш этиб белгиланади.

Илмий даражаси ва илмий унвони, шунингдек юксак касбий тайёргарлиги, эгаллаб турган лавозимида катта амалий иш тажрибаси бўлган, саломатлигига кўра ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳарбий хизматчиларнинг хизмат муддати ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирликлар, давлат

кўмиталари ва идоралар раъбарлари томонидан ҳарбий хизматда бўлиш ёшининг чегарасидан беш йилгача муддатга узайтирилиши мумкин.

28-модда. Ҳарбий –тарлим муассасалари курсантлари ва тингловчиларининг ҳарбий хизмати.

Ҳарбий-тарлим муассасаларида, шунингдек вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг ўқиш ҳарбий хизматга тенглаштирилган тарлим муассасаларида таъсил олаётган фуқаролар курсант (тингловчи) тариқасида ҳарбий хизматда бўладилар ҳамда улар, агар офицерлик таркиби унвонларига эга бўлмасалар, курсантлар ва бундай унвонларга эга бўлсалар, тингловчи деб юритиладилар.

Ҳарбий-тарлим муассасаларига ўқишига киргунга қадар ҳарбий унвонни бўлмаган фуқаролар ўқишига қабул қилинганда уларга оддий аскар ҳарбий унвон берилади. Ҳарбий-тарлим муасасасига ўқишига киргунга қадар берилган ҳарбий унвонлар сақланиб қолади.

Курсантларнинг (tinglovchilarning) ҳарбий хизматни ўташ тартиб қонун ъужжатлари билан белгиланади.

Ҳарбий –тарлим муассасасидан, шунингдек ўқиши ҳарбий хизматга тенглаштирилган тарлим муассасасидан ўқишдан чиқарилган курсантлар резервга бўшатилади ёки истерфога чиқарилади ёхуд улар, агар муддатлари ҳарбий хизмат учун белгиланган муддатларни ўтамаган бўлсалар, муддатли ҳарбий хизматни ўташни давом эттириш учун қўшин қисмларига юборилади.

Ҳарбий – тарлим муассасасидан ўқишдан чиқарилган кунда чақирлиш ёшига етмаган курсантлар ҳарбий рўйхатда туриш учун турар жойлардаги мудофаа ишлари органларига юборилади.

29-модда. Ҳарбий хизматдан бўшатиши.

Ҳарбий хизматчини ъақиқий ҳарбий хизматдан бўшатиши қуидаги асосларга кўра амалга оширалади.

1) у ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизматда бўлишининг белгиланган ёш чегарасига етганда.;

2) муддатли ҳарбий хизмат муддати тугаганда;

3) контракт муддати тугаганда;

4) штатлар қисқарганда ёки бошқа ташкилий-штат тадбир-чоралари муносабати билан ҳарбий хизматчидан хизматда фойдаланиш имконияти бўлмай қолганда;

5) саломатлигига кўра- уни ҳарбий-тиббий комиссия ҳарбий хизматга яроқсиз деб топганлиги муносабати билан;

6) қонун ъужжатларига мувофиқ тарафлардан бирининиг ташаббусига кўра контракт муддатидан олдин бекор қиласанлиги муносабати билан;

7) ҳарбий-тарлим муассасидан ўқишдан чиқарсанлиги муносабати билан;

8) хизмат вазифасига нолойиқ бўлиб қолганда;

9) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан маърум бўлиши муносабати билан;

10) ҳарбий хизматчи ҳарбий унвонидан маърум этилиши муносабати билан;

11) суд ъукми қонуний кучга кирганда.

Ҳарбий хизматчиларни ҳарбий хизматдан бўшатиш уларни тегишли лавозимларга тайинлаш ваколатига эга бўлган мансбдор шахслар тломонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўърисидаги низомга мувофиқ амалга оширалади.

Ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизматдан резервга бўшатилади, ҳарбий хизматдан бўшатилиш пайтида резерв бўлиш ёшнинг чегарасига етган ёки

37 – модда. Муқобил хизмат тушунчаси

Муқобил хизмат фуқароларнинг умумий ҳарбий мажбуриятни бажаришнинг чақирув бўйича ҳарбий хизмат ўрнига иқтисодиёт, ижтимоий сөъанинг турли тармоқларида кам малака талаб этиладиган (ёрадмчи) ишларни, шунингдек фалокатлар, ъалокатлар, табиий оғатлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ишларини бажариш билан бойлик бўлган алоъида туридир.

Ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, ҳарбий рўйхатда турувчи ва хизматга чақирилиши лозим бўлган фуқаролар, агар улар диний таълимоти қурол-яроъдан фойдаланиш ва Қуролли Кучларда хизмат қилишга йўл қўймайдиган, рўйхатга олинган диний ташкилотлар ѿисобида турсалар, муқобил хизмат ҳукуқига эга.

Муқобил хизматнинг муддати йигирма тўрт ойни, олий маълумотли фуқаролар учун эса ўн саккиз ойни ташкил этади.

38 – модда. Муқобил хизматга чақирилиш, уни ўташ тартиби

Фуқароларнинг моқобил хизматга чақирилиши муддатли ҳарбий хизматга чақириладиганлар учун белгиланган тартибда амалга оширилади, чақирувни ташкил этиш ва ўтказиш эса туман (шахар) чақирув комиссиялари в ахокимликлари зиммасига юклатилади.

Фуқаролар муқобил хизматни тураг жойларидаги ёки мамлакатнинг бошқа минтақаларидағи корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда ўтайдилар. Бундай корхоналар ва ташкилотларнинг рўйхати, шунингдек муқобил хизматдаги хизматчилар шуъулланиши мумкин бўлган ишлар ва касбларнинг турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқароларга иш ъақининг саксон фоизи тўланади.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқароларнинг иш ъақидан ушлаб қолинаётган суммалар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ѿисоб варақаларига ўтказилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахридаги муқобил хизмат тузилмаларига раҳбарликни мудофаа ишлари органлари амалга оширади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар хам муқобил хизмат шахсий таркибининг ҳарбий тайёргарлиги ҳамда ишчи касбларига ўргатиш учун Мудофаа вазирлигининг ѿисобвараъига ажратмалар ўтказади.

Муқобил хизматни ташкил этиш ва ўташ тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси томонидан белгиланади.

39 – модда. Муқобил хизматдаги хизматчиларнинг ҳарбий тайёргарлиги

Муқобил хизматдаги хизматчилар ҳарбий тайёргарлик йиъинларига (машъулотлари) жалб этиладилар, улар шу аснода қурол-яроъдан фойдаланиш, уларни қўлланиш билан боълиқ бўлмаган ҳарбий ъисобдаги ихтисосликни эгаллайдилар ва Ҳарбий қасамёд қабул қиласидилар. Ҳарбий тайёргарлик дастури Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

Муқобил хизматдан бўшатилган фуқаролар Қуролли Кучлар захирасига ўтказилади.

40 – модда. Муқобил хизматни ўтаётган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Муқобил хизматни ўтаётган фуқароларга меънат тўърисидаги қонун ъужжатлари татбиқ этилади. Муқобил хизмат муддати меҳнат стажига қўшилади.

Муқобил хизматни ўтаётганда меънат қобилиятини йўқотган фуқаролар ва ъалок бўлган фуқароларнинг оилалари, шунингдек уларнинг қарамоъида ва халок бўлган фуқароларнинг оилалари, шунингдек уларнинг қарамоъида бўлган шахслар қонун ъужжатларига мувофиқ муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчилар учун белгиланган нафақалар ва пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқаро уни белгиланган жойда ўташи, қонун ъужжатларида назарда тутилган талабаларга, иш жойида амал қиласидиган ички меҳнат тартиби қоидаларига, шунингдек меҳнат шартномаси (контракт) шартларига риоя этиши шарт.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқаро раҳбарлик ва сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллаши, тадбиркорлик фаолияти билан шуъулланиши, таълим муассасаларига ўқига кириши мумкин эмас.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар фалокатлар, халокатлар ва табиий оғатлар оқибатларини бартараф қилиш ишларига жалб этилаги тақдирда юзага келагн вазиятдан келиб чиқадиган хамда ана шу оқибатларни бартараф этиш комиссиялари ёки штабларининг жойлардаги раҳбарлари томонидан белгиланадиган маҳсус вазифаларни бажарадилар.

41-модда. Муқобил хизматдан бўшатиш

Муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг қарори асосида амалга оширади.

Фуқаро оиласиди аъволи ўзгарганлиги муносабати билан, агар бу ъол унга қонун ъужжатларига мувофиқ чақирилиш муддатини кечиктириш ёки чақирилшдан озод этилиш ҳуқуқини берадиган бўлса, муқобил хизматдан муддатидан олдин бўшатилиши мумкин.

Муқобил хизматдан муддатидан олдин бўшатиш тўърисидаги қарорни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қабул қиласиди.

Ўзбекистон Республикасининг “Умуммажбурий хизмат ва ҳарбий хизмат тўърисида”ги Қонунининг асосий мазмуни ва ҳарбий

хизматчиларнинг Қуролли Кучлардаги ҳарбий хизматни ўташ тартилари қонун ва қоидалари ана шулардан иборатdir.

Ўқув саволлари:

1. Ўз. Р-сининг «Умуммажбурий ҳарбий хизмат ва ҳарбий хизмат тўърисида»ги Қонуни қачон қабул қилинган?
2. Қонун қандай бўлим ва боблардан ташкил топган?
3. Ҳарбий хизматнинг турларини санаб ўтинг.
4. Ҳарбий хизматга мажбур бўлмаган шахслар деб кимларга айтилади?
5. Ҳарбий хизматга мажбур шахслар деб кимларга айтилади?
6. Ҳарбий хизмат муддатларини айтиб беринг.
7. Шартнома асосидаги хизматнинг моҳияти нимада?
8. Офицерларнинг ҳарбий хизматда бўлиш ёш чегараларини айтиб беринг.

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов «Ўзбекистон-миллий истиқлол, иктисад, сиёsat, мавкура» Т. 1998 й.
2. А.И.Ибрагимов, Х.Х.Султонов «Ватан туйъуси» Т. 1996 й.
3. Ўз. Р-сининг Конституцияси. Т.1992 й.
4. Ўз. Р-сининг «Умуммажбурий ҳарбий хизмат ва ҳарбий хизмат тўърисида»ги Қонуни.Т. 2001й.

3-Мавзу: “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҲАРБИЙ ДОКТРИНАСИ”.

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари - Ўзбекистон Республикаси хавфсизлиги гаровидир.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий Доктринасининг қабул қилиниши ва унинг мамлакат мудофаасидаги аҳамияти.
3. Ҳарбий доктринанинг бўлимлари ва уларнинг мазмуни.

Таянч иборалар

Ҳарбий доктрина, шахсий таркиб, жанговар қудрат, сафарбарлик, ҳарбий хавфсизлик, давлат стратегияси, ҳарбий қурилиш, ҳарбий ташкилотчилик, ҳарбий сиёsat тамойиллари, ҳарбий стратегия.

Муаммоли савол:

Ҳарбий Доктрина қандай ўзжжат бўлиб ъисобланади ва унинг давлат мудофаасидаги аҳамияти нималардан иборат?

Давлат Мудофаа қобилиятининг энг муъим қисми, унинг Куролли Кучларидир. Унинг жанговар қудрати ҳамда шайлиги, босқинчини қуролли мажоралар ёки уруш бошлаб юборишидан тийиб туриш вазифаларини бажаришга тайёргарлик даражасида ҳамда мамлакат ъудудига босқинчилик қилинган тақдирда, оддий қурол-яроъларнинг хар хил турларидан фойдаланилган холда босқинчини тор-мор қилишдан иборатdir.

Ҳарбий қурилиш соъасидаги мақсад, профессионал армияни, ўз таркибида яхши тайёрланган ва таълим олган, ўз ҳалқига, она заминига садоқатли бўлган, ўз Ватанининг шавни ва қадр-қимматини охиригача ъимоя қила оладиган жангчиларга эга бўлган армияни босқичма-босқич вужудга келтиришдан иборат бўлиши лозим. Мақсад миқдор жиъатдан унча катта бўлмаган, лекин яхши шайланган, замонавий қуроллар ва ҳарбий техника билан бекаму-кўст қуролланган, Ўзбекистоннинг хавфсизлигини мустақил равишда ва пухта таъминлашга қодир бўлган Куролли Кучларни шакллантиришdir.

Бизнинг Куролли Кучларимиз ҳар қандай вазиятда харакат қилишга тайёр туриши, мамлакатнинг жўрофий-стратегик мавқенини ва худудининг жўрофий хусусиятларини ўисобга олган холда, эътимол тутилган босқинчига қуруқликда ва ъавода муносиб зарба бериш учун жанговар салоъиятга эга бўлмои зарур.

Куролли Кучларнинг ҳарбий қудрати, жанговар қобилияти кўплаб омиллардан таркиб топади.

Эслаб қолинг

Биринчиси - бу, шаъсий таркибнинг миқдори ва сифати. Бу сифат унинг профессионал даражаси, аълоқий-руйи қатъияти, жисмоний тайёргарлиги ва интизоми билан белгиланади.

Иккинчиси - бу, Куролли Кучлар ҳарбий қудратининг энг муъим қисми бўлган қурол-яроълар ва ҳарбий техниканинг миқдори ва сифати масаласидир.

Учинчиси - бу, ҳарбий инфраструктура бўлиб, Куролли Кучлардан жанговар холатда фойдаланишда унинг роли бекиёсdir.

Тўртинчиси - саноатни тезда қайта қуриш ва сафарбарлик режаси топшириқларининг бажарилишини таъминлаш учун замин хозирлаш. Сафарбарлик ресурсини қабул қилиш ва шароитга мослаштириш. Белгилаб қўйилган энг қисқа муддатда ҳарбий жихатдан барча сафарбарлик тадбирларини тугаллаш. Кенг кўламдаги босқинчилик юз берган тақдирда, жанговар вазифани бажаришга тайёр бўлишни таъминлаш. Булар мамлакатнинг мудофаа қобилияти учун ъоят муъим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистоннинг мудофаа қобилиятини, ҳарбий хавфсизлигини мустаъкамлашда ташқи иқтисодий ва ташқи сиёсий соъаларнинг ҳам роли бебаъодир.

Ҷозирги шароитда хавфсизлик фақат колектив бўлиши мумкин. У ҳамфикр давлатларнинг биргаликдаги сайи харакатлари билан, уларнинг имкониятларини бирлаштириш билан таъминланади.

Мустақиллик эълон қилинган илк кунларданоқ, Ўзбекистон Республикаси давлатнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ривожланишига,

мамлакатда ва Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаъкамлашга катта эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинга 1-сессиясида ёк мамлакатимиз президенти И.Каримов шундай деган эди: “*Ҷозирги давримизнинг асосий вазифаси - мамлакат жаъон хўжалик тизимида ва жаъон хамжасиятида муносаб ўринни эгаллаш учун Ўзбекистон давлат мустақиллигининг мустаъкамлашини таъминлашдан иборат*”.

Ушбу масалани мамлакатнинг мудофаа қурдатини, унинг миллий хавфсизлигини ишончли таъминлаш шартлари дагина хал қилиш мумкин бўлиб, унга иқтисодий, сиёсий, хуқуқий, ташкилий ва ҳарбий характердаги тадбирлар тизимида ягона давлат сиёсатини юргизиш орқали эришилади. Ушбу тадбирларни ўзида жамлаган хужжат 1995 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган Ҳарбий доктрина ѿисобланади. Шундай қилиб, жаъон амалиётида биринчи марта ташкил топганлигининг 4 йилида ёш мустақил давлат ўзининг илмий асосланган Ҳарбий доктринасига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси - умумдавлат ахамиятига молик йирик хужжатdir. У давлат стратегиясининг дебочаси бўлиб, ҳарбий сиёсат асосида, ҳарбий фаолият ҳамда ҳарбий қурилишнинг йўналиши ва тамойилларни белгилайди. У давлат органлари ва ҳарбий кадрлар учун мажбурий ѿисобланган ҳарбий назария ва амалиётининг асосий, етакчи, расман қабул қилинган қарашлари ва қоидаларини акс эттиради.

Ўзбекистон ҳарбий доктринаси Марказий Осиё минтақасида Ѣзориги ҳарбий сиёсий аъвол, ҳарбий хавфнинг яширин турдаги манбалари, бош ҳарбий стратегик вазифалар, қурилиш тамойиллари ва Қуроли Кучларни қўллаш шартлари, Қуроли Кучлар, халқ ҳамда мамлакатни мудофаага тайёрлаш масалаларини ўз ичига олган. Ҳарбий доктринанинг ушбу принципли қоидалари мудофаа масалаларини тушуниш ва хал қилишга нисбатан қарашларнинг бирдамлигини таъминлашда катта аҳамият касб этади.

Унутманг

Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси З асосий бўлимлардан иборат:

1. Умумий қоидалар;
2. Доктринанинг сиёсий жиъатлари;
3. Доктринанинг ҳарбий- ташкилий жиъатлари

Ҳарбий доктринанинг асосий устунликлари қуйидагича:

Сиёсий нуқтаи-назардан “Уруш ва ҳарбий тажовузни бартараф этиш - бош стратегик йўналишдир” деган қоиданинг мавжудлиги.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси қуйидагича акс этган аниқ мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- Ўзбекистон Республикаси ёки Ўзбекистон билан ўзаро ҳарбий ёрдам тўърисидаги мувофиқ шартномаларга алоқадор бошқа давлатларга қилинган

